

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 декабрь куни Тошкент вилоятига ташриф буюриб, транспорт, энергетика ва туризм соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли лойиҳалар билан танишди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент — Хўжакент йўналишида янги электропоездни кўздан кечирди.

Президентнинг ўтган йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти трансформация қилинмоқда. Жамият таркибида инфратузилма, вагон

хизмати, йўловчи ташиш кабилар билан шуғулланувчи 6 та мустақил корхона иш бошлади.

Поездлар парки ҳам кенгайтирилмоқда. Айниқса, йўловчи ташишда аҳоли ва туристларга қўлайликлар оширилмоқда. Янги поездлар олиб келинди. Тошкентдан Самарқанд, Бухоро, Қарши каби тарихий шаҳарла-

римизга “Афросиёб” электропоездларининг қатновлари кўпайтирилди.

Ўтган даврда юртимизда 3 минг километрдан зиёд темир йўллар электрлаштирилди. Бухоро — Урганч — Хива темир йўл тармоқларини электрлаштириш якуний bosқичда. Мискин — Нукус йўналишида жадал давом эттирилмоқда. Тошкент атро-

фида ҳам электрлашган йўл қурилиб, поездларни ўтказиш имконияти 30 фоизга ошди.

Энди Тошкент — Хўжакент йўналишида янги электропоезд қатновга қўйилмоқда. Давлатимиз раҳбари ушбу поездга чиқиб, ҳаракатланиши ва қўлайликларини кўрди.

Вагонлар шинам ва ёруғ, йўловчилар учун қўлай. Ўриндиқлар сони 586 та. Маълумот таблолари ва ёнгин хавфсизлиги тизими ўрнатилган. Поезд соатига 120 километргача тезликка чиқа олади. Ҳар бир тарафга кунига учтадан қатнов йўлга қўйилади.

Сафар чоғида давлатимиз раҳбари темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчилар учун шароитларни яхшилаш, темир йўлларни электрлаштириш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бўйича мутасаддиларининг ҳисоботларини тинглади.

Тошкент ва Хўжакент оралиғидаги темир йўлга туташ майдонларни 2025 йилги реновация дастурига киритиб, уларни тартибга келтиришга кўрсатма берилди. Йўналишдаги эгри қисмларни тўғри қилиб қайта қуриш орқали кунлик экспресс поездлар қатновини кўпайтириш ва кўпроқ йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун шароит яратиш топширилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳам муҳокама қилинди. Темир йўл четларини кўкаламзорлаштириш, сув ресурслари чекланган ҳудудларда ҳоржий тажриба асосида кургоқчиликка чидамли ўсимликларни экиш, чет элдан фақат маҳаллий иқлимимизга мос бўлган кўчатларни келтириш зарурлиги қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани-

га ташриф буюриб, бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Хушманзара тоғлар бағридаги бу ҳудуднинг драйвери, албатта, туризм. Сўнгги йилларда инфратузилма яхшиланиб, йилнинг барча фаслида мароқли ҳордиқ чиқариш имконияти яратилди. Дам олиш, соғломлаштириш, чанғи, саёҳат, умумий овқатланиш мажмуалари барпо этилди. Эски санаторий ва болалар оромгоҳлари янгиланди.

Хусусан, беш йил аввал туманда 2 минг 240 ўринли 26 та маскан бўлган бўлса, шу даврда соҳага 2 триллион сўмдан зиёд инвестиция киритилиб, 13 мингдан кўп ўринга эга 59 та йирик туризм иншооти ишга туширилди. Асосий автомобиль йўли таъмирланиб, қўшимча йўллар қурилди. Буларнинг натижасида туризм жадал ривожланди, ташриф буюрувчилар 12 баробарга ошди. Жумладан, беш йил олдин Бўстонлиққа йилга 850 минг сайёҳ келган бўлса, бу йил 11 ойнинг ўзига 12 миллион нафар ташриф буюрган.

Бу суръат изчил давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари шундай лойиҳалар билан танишди.

Чирчиқ дарёси бўйида “Чорвоқ дарвозаси” туристик мажмуаси қурилмоқда. Қарийб 25 гектар майдондаги мажмуада 16 та кўп қаватли уй, 3 та меҳмонхона, 2 та супермаркет, 60 дан зиёд савдо ва маиший хизмат шохобчалари, кафе ва ресторанлар, банк офиси, аквапарк, мусикали фаввора, автотурароҳ бўлади. Бинолар тепасига қуёш панеллари ўрнатилади. Дарё устида сайр учун шишалли кўприк қурилади.

Мажмуа кўнига 5 мингдан ортқ кишиларга хизмат кўрсатиш қуввати-га эга бўлади. Мавсумийлари билан

бирга 2 минг 500 та иш ўрни яратилади.

Президентимиз хизмат турларини кўпайтириб, фаол туризмни ривожлантириш, бундай мажмуаларни бошқа туманларда ҳам лойиҳалаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Худудда экологияга алоҳида эътибор бериш, яшилликни кўпайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бўстонлиқ туманида барпо этилаётган “Ugam River” туристик мажмуасини ҳам бориб кўрди.

Угом дарёси бўйидаги бу маскан илгари тўла фойдаланилмаган, тошлоқ жой эди. Бу йил 1 триллион сўмликдан зиёд лойиҳа доирасида қарийб 14 гектар майдонда қурилиш бошланди. Ҳозирда 17 та кўп қаватли уй қад кўтармоқда. Улар 5, 6 ва 7 қаватли, 870 хонадондан иборат бўлади.

Шунингдек, 16 та коттеж, 3 та ресторан, иғирмадан ортқ савдо ва хизмат шохобчалари қурилади. Болалар ўйингоҳлари, ёпиқ сув ҳавзаси, фитнес ва спорт майдончалари, амфитеатр, автотурароҳ, автомобиль кўприги, тоғ ва соҳил бўйи йўлақлари ҳам ташкил этилади.

Ушбу қўлайлиқлари билан янги мажмуа йилига 200 минг нафар ташриф буюрувчига хизмат кўрсата олади. Бу тумanning туризм салоҳиятини янада оширади. Биринчи bosқич — кўп қаватли уйларни келаётган йилнинг бошида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари шундай хонадонлардан бирини кириб кўрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Аввало, ушбу кутлуғ айёмда сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги Конституция байрамининг алоҳида руҳи ва шукҳи борлигини бугун барчамиз чуқур ҳис этиб, англаб турибмиз. Бу, биринчи навбатда, мазкур айёмнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётимизда катта ўзгаришлар амалга оширилаётган тарихий бир шароитда ўтаётгани кучайган, масъулияти бир неча қарра ортган янги вақиллик тизими шаклланиши албатта барчамизни мамнун этади.

Айниқса, шу йил 27 октябрда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга очиклик ва рақобат руҳида ўтган сайловлар янгиланган Асосий Қонунимизни ҳаётга татбиқ этиш йўлида ғоят муҳим қадам бўлганини яна бир бор таъкидлаш лозим.

Меҳнаткаш, олийжаноб ва бағрикенг халқимизнинг Янги Ўзбекистонини барпо этиш йўлидаги хоҳиш-иродаси, бирлиги ва ҳамжихатлиги, сиёсий маданияти яққол намоён бўлган ушбу сайловлар натижаларига кўра, юртимизда конституциявий ҳуқуқ ва ваколатлари кучайган, масъулияти бир неча қарра ортган янги вақиллик тизими шаклланиши албатта барчамизни мамнун этади.

Яна бир муҳим жиҳати — ҳокимлар бир пайтнинг ўзига маҳаллий Кенгашларга ҳам раҳбарлик қилиб келган амалиётдан ушбу органларга илк бор депутатлар орасидан сайланган Кенгаш раиси бошчилиги қиладиган янги тизимга ўтилмоқда.

Бундан ташқари, ҳокимларнинг 30 дан зиёд ваколатлари маҳаллий Кенгашларга ўтказилгани ижтимоий ҳаётимизда демократия, халқпарварлик тамойиллари тобора кенг ўрин олаётганидан далолат беради.

Биз “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” деган конституциявий принцинга амал қилган ҳолда, парламент ва маҳаллий Кенгашлар ваколатларини кенгайтириш, уларнинг фаолигини янада ошириш, самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур шароитларни яратиш, бир сўз билан айтганда, уларни чинакам халқ овозига айлантиришга қаратилган ислохотларимизни қатъий давом эттирамиз.

Хурматли дўстлар!

Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича Асосий Қонунимизда муҳрлаб қўйилган устувор тамойилларни ҳаётимизга изчил татбиқ этиш борасида юртимизда кенг

қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан сўнгги йилларда иқтисодиётимиз 2 қарра ўсгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиغان даромад 3 минг долларга етгани, камбағаллик даражаси 23 фоиздан 11 фоизга тушгани, мактабгача таълимда қамров 74 фоиздан, олий таълимда эса 39 фоиздан ошгани, ҳеч шубҳасиз, тарихий натижадир.

Ислохотларни жадал давом эттириб, янгиланган Конституциямиз нормаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида тадбиркорликни ривожлантириш, шу асосда аҳоли даромадларини ошириш, оила ва маҳаллаларда ўзаро ҳурмат ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларни қар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Шунингдек, Асосий Қонунимизда Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида белгиланганидан келиб чиқиб, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, янги уй-joyлар, тиббиёт, таълим, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, йўл ва коммуникация тармоқларини модернизация қилиш, манзилли ижтимоий химояни кучайтириш биринчи даражада аҳамият касб этади. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маб-лағлар ҳажми 2 баробар кўпайтирилиб, тиббий сугурта тизимига ўтиш ва аҳолини кафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ таъминлаш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Таълим соҳасидаги дастурларимиз доирасида яқин йилларда олийгоҳларда қамров 50 фоизга етказилади. Биргина 2025 йилда боғча ва мактабларни таъмирлаш ва янгиларини қуриш учун Давлат бюджетидан 4 триллион сўм маблағ ажратилади.

Яна бир муҳим йўналиш — аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш учун жами 46,5 триллион сўм маблағ сарфланиб, 1 миллион фуқарони камбағалликдан чиқариш режалаштирилмоқда.

Ноғиронлиги бўлган шахслар учун янада қўлай шароитлар яратиш, уларнинг ижтимоийлашувини ошириш ва умуман жамиятимизда инклюзивликни таъминлаш бўйича ишлар ҳам янги bosқичга кўтарилади. Пенсия тизимини ислох этиш бўйича ҳам зарур чоралар кўрилади.

Маълумки, янгиланган Бош қонусимизда фуқароларнинг экология соҳасидаги ҳуқуқлари конституциявий даражада белгиланиб, давлатнинг атроф-муҳитни му-

ҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлашга қаратилган мажбуриятлари алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди.

Кириб келаётган 2025 йилни мамлакатимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилганимиз ва бу борада катта вазифаларни аниқ белгилаб олганимиз ана шу конституциявий қоида ва принципларни амалга ошириш учун муҳим асос бўлади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз юртдошларимиз, бутун халқимизни ушбу йил бўйича Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда фаол иштирок этишга чақираман.

Ҳеч қачон унутмайлик: табиятни асраш — бу инсонни, келажакни асраш демакдир. Бебаҳо бойлигимиз бўлган серхосил далаларимиз, зилот бўлоқларимиз, дарё ва кўллارимиз, тоғ ва адирларимизни асраб, боғу роғлар, яшил масканларни кўпайтирсак, Ўзбекистонимиз янада гўзал дierга айланади, авлодларга биздан озод ва обод Ватан қолади.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Конституциямиз мамлакатимизда миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни сақлаш, ислохотларимизнинг ортага қайтмас тус олишини таъминлашда доимо ишончли қарорат бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Шу маънода, халқимизнинг ҳуқуқий тафаккури, хоҳиш-иродасининг ёрқин тинчлиги ва амалий иродаси бўлган Асосий Қонунимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бу ноёб қомуснинг ҳар бир моддаси ва қоидасини ўрганиш, уларга ҳурмат, меҳр ва эътибор билан муносабатда бўлиб, тўлақонли ижро этиш барчамиз учун муқаддас бурч ва мезонга айланишини истардим.

Аминманки, ана шундай юксак масъулият билан астойдил меҳнат қилиб, ислохотларимиз самарасини янада оширамиз ва олдимизга қўйган улугвор мақсадларга албатта етамиз.

Сиз, азиз юртдошларимиз Конституция куни билан яна бир бор чин дилдан қўлаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Ватанимизнинг обрў-эътибори, шону шухрати зиёда бўлсин!

Барча ютук ва ғалабаларимизнинг ижодкори бўлган халқимиз омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚИРГИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 декабрь куни телефон орқали мулоқотда Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровни таваллуд кўни билан самимий қутлади.

Давлатимиз раҳбари Қирғизистон етакчилиги мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат ҳамда мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда катта муваффақиятлар, қардош қирғиз халқига эса фаровонлик ва раванқ тилади.

Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Олий даражада эришилган кели-

шувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Йил бошидан буён товар айирбошлаш ҳажми 700 миллион доллардан ошди. Қўшма инвестиция фонди муваффақиятли фаолият юритмоқда, машинасозлик, энергетика, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Худудлараро ва ишбилармонлик ало-

қалари, маданий алмашинувлар фаолашди.

Энергетика ва транспорт соҳаларида йирик минтақавий инфратузилма лойиҳаларини жадаллаштириш муҳимлиги қайд этилди. Шу ойда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш бўйича лойиҳани бошлаш мўлжалланган.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар ва бўлажак қўшма тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

«ФЕЛОН» ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИОН ЗОНАСИНИ ВА ХАЛҚАРО УМУММАВСУМИЙ КУРОРТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Республиканинг туристик салоҳиятини ошириш бўйича ислохотларни изчил давом эттириш, тоғ ва тоғодли ҳудудлардаги ишга туширилмаган мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига экологик туризм инфратузилма объектларини барпо этиш, шунингдек, туризм хизматларини диверсификация қилиш ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жадаллаштириш орқали тоғли ва чекка ҳудудлардаги аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромад манбаини кенгайтириш мақсадида:

1. Куйидагилар:

Қозон шаҳрида (Россия Федерацияси) 2023 йил 4 — 6 октябрь кунлари бўлиб ўтган III ҳудудлараро ҳамкорлик форуми доирасида Россия томони билан Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида “**Фелон**” халқаро умуммавсумий курорт мажмуасини ташкил этиш” лойиҳасини (кейинги ўринларда — Инвестиция лойиҳаси) амалга ошириш бўйича келишувга эришилганлиги;

(Давоми 2-бетда).

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 32 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида “**Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузулиш йўлига қатъий ўтган бир гурўх шахсларни афв этиш тўғрисида**”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо

муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузулиш йўлига қатъий ўтган **483** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **107** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **275** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **7** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **94** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **25** нафарини чет эл фуқаролари, **32** нафарини аёл,

5 нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, **274** нафарини ёшлар (шулардан, **104** нафари вояга етмаганлар) ҳамда **6** нафарини таққилланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишга, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга қўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

«ҒЕЛОН» ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИОН ЗОНАСИНИ ВА ХАЛҚАРО УМУММАВСУМИЙ
КУРОРТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Инвестиция лойиҳаси доирасида инвестор томонидан Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш даврида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ўз зиммасига олган ҳолда дастлабки баҳолаш бўйича жами **300 миллион АҚШ доллари** миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилиши;

Инвестиция лойиҳаси 2024 — 2030 йиллар давомида **уч босқичда** амалга оширилиши, бунда **2027 йил 1 январга қадар** биринчи босқичда инвестор томонидан **100 миллион АҚШ доллари** миқдорда инвестиция киритилиши режалаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг:

Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманида умумий ер майдони **2,9 минг гектар бўлган** “Ғелон” туристик-рекреацион зонасини (кейинги ўринларда — Туристик зона) ташкил этиш;

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида “Ғелон” туристик-рекреацион зонаси дирекциясини (кейинги ўринларда — Дирекция) тузиш;

Туристик зона ҳудудида замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнғилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектларни ҳамда муҳандислик инфратузилмаларини барпо этиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, Туристик зона фаолият кўрсатиш муддатини кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилга ташкил қилинади.

3. Қуйидагилар:

“Ғелон” туристик-рекреацион зонаси чегараларининг тавсифи 1-иловага мувофиқ;

“Ғелон” туристик-рекреацион зонаси ҳудудини тизимли ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар **2-иловага** мувофиқ; “Ғелон” туристик-рекреацион зонаси ва унга олиб борувчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Туристик зона ҳудудидаги ер участкаларини реализация қилишдан ва ижарага беришдан келиб тушган маблағлар аукцион ҳаражатлари чегириб ташланган ҳолда Дирекциянинг шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

Туристик зонанинг бош режаси ва батафсил режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда консалтинг компаниялари, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда бошқарув компаниялари хизматлари учун ҳақ тўлаш Тоғли ва олис ҳудудларда туристик инфратузилмани ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Жамғарма ҳисобидан амалга ошириладиган ҳаражатлар “Чорвоқ” туристик-рекреацион зонаси дирекцияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланадиган график асосида Туристик зона ҳудудидаги ер участкаларини электрон онлайн аукцион орқали реализация қилишдан тушган тушумлар ҳисобидан қопланади;

Туристик зона инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш

ҳаражатлари белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда Туристик зона фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳаси белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилиши;

2025 йил 1 июнга қадар Туристик зонанинг бош режаси ва батафсил режалари лойиҳалари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланшини;

2025 йил 1 октябрга қадар Дирекция томонидан Туристик зонани ривожлантиришни назарда tutувчи мастер режа ишлаб чиқилиши ва тасдиқланшини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Туристик зонадаги туристик инфратузилмани яратиш имконияти бўлган ер участкалари кейинчалик самарали фойдаланиш ва (ёки) инвесторларга реализация қилиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Дирекцияга ўтказилади;

Туристик зона ҳудудидаги ер участкаларини реализация қилишдан тушган маблағлар Дирекция фаолиятини молиялаштириш ҳамда тоғ туризми лойиҳаларини амалга ошириш, жумладан, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ва таъмирлаш чора-тадбирларини молиялаштиришга йўналтирилади;

Туристик зона ҳудудида ҳамда Инвестиция лойиҳаси доирасида умуммавсумий туристик объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш, ушбу объектларнинг Туристик зонанинг бош режасига мувофиқлиги Дирекция томонидан назорат қилинади;

Дирекция Туристик зона ҳудудида умумий фойдаланишдаги йўллар ва ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича бюртмачи ҳисобланиб, йўл ва ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини Туристик зонанинг чегараларигача етказиб бериш мажбуриятини бажаради;

Дирекция лойиҳа компаниялари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ Туристик зона ҳудудида зарур инфратузилма объектлари барпо этилишини таъминлайди.

7. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги **бир ой муддатда**:

Дирекцияни Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани “Мираки” МФЙ Фуқрат кўчаси 1-уй манзили бўйича жойлаштирилишини таъминласин;

Дирекция фаолиятини ташкил қилиш, шу жумладан, унинг моддий-техника базасини мустақимлаш, жойлаштириш, асосий воситалар, анжомлар ва транспорт воситалари билан таъминлаш учун қўнунчиликда таққиланмаган манбалар ҳисобидан зарур маблағлар ажратсин.

8. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Кадастр агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

икки ой муддатда Туристик зона ҳудудидаги ер участкалари, бино ва иншоотлар ҳамда даракт ва буталар тўлиқ хатловдан

ўтказилишини, мавжуд даракт ва буталар белгиланган тартибда муҳофазага олинишини;

уч ой муддатда ер участкалари олиб қўйилиши ва (ёки) бино ҳамда иншоотлари бузилиши натижасида мулкдорларга етказиладиган зарарлар миқдorigа аниқлик киритилишини;

баҳолаш ишларини ташкил этиш учун зарур ҳужжатлар, шу жумладан, ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тўплами тайёрланиши, баҳоловчи ташкилотлар жалб қилиниши ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар экспертизадан ўтказилишини;

ер участкалари олиб қўйилишдан аввал мулкдорларга компенсация тўловлари тўлиқ ҳажмда тўлаб берилишини таъминласин.

Бунда:

ер участкалари эгаларига етказилган зарар қўнунчиликда белгиланган тартибда қоплаб берилади;

Туристик зона ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳалар учун ажратиладиган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловлари лойиҳа ташаббускорлари томонидан қоплаб берилади.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Туризм қўмитаси, “Худудий электр тармоқлари” АЖ ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Инвестиция лойиҳаси доирасида умумий ўзунлиги **33 км** бўлган Хисорак — Ғелон, Хисорак — Сарчашма автомобиль йўлини икки тасмали қилиб, Чироқчи — Шўрқудуқ автомобиль йўлининг **30 км** қисмини учинчи тоифадаги йўл даражасигача етказиш бўйича қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилишини;

Мираки — Хисорак автомобиль йўлини икки тасмали қилиб, учинчи тоифадаги йўл даражасигача етказилишини; ишлаб чиқиладиган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Туристик зона чегараларига қадар электр энергияси тармоғини тортиш ва подстанция барпо этиш, шунингдек, ичимлик ва оқова сув тармоқларини ўтказиш ишлари амалга оширилишини таъминласин.

Бунда ташқи инфратузилма билан таъминлаш ҳаражатларини молиялаштириш ва бюртмачиларни белгилаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги “Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5233-сон ҳамда 2024 йил 5 июндаги “Республика ҳудудларининг туризм салоҳиятини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-212-сон қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

10. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги:

а) Энергетика вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Ракамли технологиялар вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ўсвутаъминот” АЖ билан биргаликда **2025 йил 1 мартга қадар** Инвестиция лойиҳаси доирасида объектларнинг лойиҳа ҳўжатларини ишлаб чиқиш, уларни келишиш ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга

бўлган ҳўжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш ишларини якунасин;

б) Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Туризм қўмитаси билан биргаликда:

Туристик зона ҳудудида туристик инфратузилма объектларини барпо этиш учун нуфузли ташкилотларни, шу жумладан, салоҳиятли хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш;

истикболли ва устувор лойиҳалар рўйхатини шакллантириш, Туристик зона ҳудудида дастлабки туризм, йўл-транспорт инфратузилмаси ҳамда коммуникация тармоқларини ривожлантириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва грантларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

11. Туризм қўмитаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда **2025 йил 1 апрелга қадар** Туристик зона брендини яратиб, республика ҳудудида ҳамда хорижий давлатларда кенг тарғиб қилиш чораларини кўрсин.

12. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги:

Шахрисабз туманида Туристик зона ҳудуди доирасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ер фонди тоифаларини ўзгартириш бўйича тақлифларни Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига киритсин;

Туристик зона ҳудудида йўл кўрсаткичларини ўрнатиш ва намунавий санитария-гигиена шохобчаларини жойлаштириш ҳамда чиқиндиларни ташлаш нуқталарини белгиласин;

Туристик зона ҳудудида маиший чиқиндиларнинг ҳосил бўлишини минималлаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш орқали қаттиқ маиший чиқиндиларни алоҳида йиғиш ва олиб чиқиб кетиш ишларини ташкил этсин;

Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия билан биргаликда Туристик зона ҳудудида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қўнунчиликка қатъий риюа этилиши юзасидан экологик назоратни ўрнатсин.

13. Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Туристик зона ҳудудида Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси Хавфсиз туризмин таъминлаш бошқармасининг мавжуд штат бирликлари ҳамда иш ҳақи жамғармаси доирасида хавфсизликни таъминлаш бўлимини ташкил этиш дастурини тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига қишки спорт турларини оммалаштиришга қаратилган мақолалар чоп этиш ва мавзули теледастурларни эфирга узатиш тавсия этилсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А.Ходжаев ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокими М.Б.Азимов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2024 йил 5 декабрь	

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИ
ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА
ҚАРАТИЛГАН ЙИРИК
ЛОЙИҲАЛАР ИЗЧИЛ
ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

1 Сайёҳлар кўпроқ чиройли табиатга, тоза ҳавога интилади. Шунинча олиб мавжуд дарахтзорга қўшимча 20 минг тул қўчат ўтказилади. Замонавий технологиялар воситасида кунига 1 минг метр куб дарё суви қайта ишланади. 2 мега-ваттлик термал иситиш ва совитиш тизими йўлга қўйилди.

Президентимиз соҳа мутасаддиларига ҳудуд тарғиботини кенгайтириб, бундай масканларга сайёҳларни жалб этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Туризм лойиҳалари туфайли иш ўринлари кўпаймоқда. Шу билан бирга, аҳолининг аънаваний билан қасб-хунарларини ҳам асраш кераклиги таъкидланди. Масалан, туман асал, лимон етиштириш учун мос. Уларни ривожлантириш табиий муҳитни асраб-авайлаш нуқтаи назаридан ҳам муҳим.

Давлатимиз раҳбари Бўстонлиқ туманига ташрифи чоғида “Угом-1” кичик гидроэлектр станциясини кўздан кечирди.

Мамлакатимизда энергия қувватларини оширишда барча манбалардан фойдаланилмоқда. Хусусан, ҳудудларда қулниқ энергия таъминотида гидро-энергетика қўлай ва самарали. Улар умумий тармоққа уланмасдан ҳар бир ҳудуд ва маҳалла кесимида электр билан таъминлай олади. Олинладиган электр таннархи ҳам бошқа манбаларга нисбатан анча арзон. Шу боис кейинги йилларда бу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда 630 миллион доллар инвестиция ҳисобидан 400 мегаваттдан ортиқ янги гидроэлектр станциялари барпо этилиб, уларнинг қуввати 2,2 гига-ваттга етказилди.

Тошкент виллоятда умумий қуввати 1 минг 330 мегаватт бўлган 25 та гидроэлектр станцияси мавжуд. Бу республикамиздаги жами гидроэнергетика қувватининг 60 фоизига тенгдир. Бугунги кунда қиймати 880 миллион доллар ва қуввати 340 мегаватт бўлган яна 4 та ГЭС қурилмоқда. Шунингдек, 2028 йилгача виллоятда умумий қуввати қарийб 2 минг 400 мегаватт бўлган, 4 миллиард 800 миллион долларлик 23 та лойиҳа амалга оширилади.

Қуввати 1,48 мегаватт бўлган ушбу “Угом-1” кичик ГЭС қуриш орқали йи-

лига 11,8 миллион киловатт-соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқариш имкони яратилди. Замонавий самарадор гидроагрегатлар ва автоматик бошқарув тизими ўрнатилди. Эътиборлиси, бунда тўлиқ маҳаллийлаштирилган махсулотлар ишлатилган.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида ҳудуддаги Чорбоғ, Хумсон ва Угом маҳаллаларидаги 5 мингта хонадон ҳамда туризм ва дам олиш масканлари узлуқсиз электр энергияси билан таъминланади. Йилгига қарийб 4 миллион метр куб газ тежалайди.

Ҳозирча Угом дарёсидеа иккита кичик ГЭС қурилди. Уларнинг ҳар биридан йилгига икки юз миллиард сўм даромад олинапти. Сув оқимидаан такрор-такрор фойдаланиш орқали бундай станцияларни унутагача етказиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Бу билан нафақат энергетика масаласи ҳал бўлади, балки ҳудуд инфра-тузилмаси ҳам яхшиланади. Тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги корхоналари пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбарига ҳудудларда режалаштирилган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Соҳага хорижий инвестиция ва хусусий секторни жалб қилиб, 2030 йилга қадар жами қувватларни 6 минг мегаваттга етказиш белгиланган. Бунинг учун ҳуқуқий, иқтисодий шароитлар яратилган. Жумладан, мамлакатимиз бўйича икки мингтагача микро ва кичик ГЭСлар қуриш имконияти бор.

Президент Бўстонлиқ туманида ташкил этилаётган янги туризм масканида бўлди.

Бу ерда зарур инфратузилма яратилиб, капсула шаклидаги уйлардан иборат замонавий дам олиш маскани барпо этилмоқда. Шунингдек, ресторанлар, дор йўллари ва чанги учиш майдонлари бўлади.

Ойнаванд капсула уйларнинг ўзига хос томони, улар енгил, кўча, камхарж. Катта қурилиш қилинмаслиги боис табиатга ҳам зиён етказмайди.

Давлатимиз раҳбари бундай уйларни Бахмал, Шахрисабз, Бойсун каби бошқа туризм масканларида ҳам ўрнатиш сайёҳлар эътиборини тортишини таъкидлади.

Иқром АБВАЛБОВ,
ЎзА мухбири.

ОЗОД ВА ОБОД ҲАЁТИМИЗНИНГ
МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Конституциямиз қабул қилинганнинг 32 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 32 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида ўтказилган тантанали байрам тадбири ҳам ушбу кулгў айёмга бағишланди.

Шукуҳ

Тадбирда Президент Администрацияси масъул ходимлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қўнунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илгорлари, тадбиркорлар ва турли соҳаларда меҳнат қилаётган ватандошларимиз, ёшлар иштирок этди.

Байрам тадбири аввалда Президент маъбуот котиби Шерзод Асадов давлатимиз раҳбарининг 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди.

Йиғилганлар ушбу табрикни катта ҳаяжон билан тинглаб, гулдўрос қарсақлар билан кутиб олди.

Шундан сўнг Давлат мадҳияси янгради, йиғилганлар эса унга жүр бўлиб бутун залга юқори кайфият улашди.

Айтиш жоизки, жорий йилги Конституция айёми сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётимизда катта ўзгаришлар рўй бераётган тарихий бир шароитда ўтаётди. Халқимизнинг фаровон ҳаёт кечирishi учун муносиб шароит яратиш эса Асосий Қўнунимизнинг устувор максасидир.

Шу маънода, кейинги йилларда мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича Конституцияда муҳрлаб қўйил-

Сўз — тадбир иштирокчиларига

Ортиқбой ЭШОНҚУЛОВ,
Тошкент педиятрик тиббиёт институти қошидаги академик лицейи директори, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси:

— Конституция келажакимизни, тараққиётимизни белгилаб берадиган муҳим ҳужжат. Бугунги тадбирда давлатимиз раҳбарининг табригини катта ҳаяжон билан эшитдим. Чунки ҳар доим Президентимиз бошқа соҳалар билан бирга таълимдаги ислохотлар ва бу йўналишда қилиниши зарур бўлган вазифаларни белгиллаб беради.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Табрикда таълим соҳасидаги дастурларимиз доирасида яқин йилларда олийгоҳларда қаров 50 фоизга етказилиши қайд этилди. Бу — катта муваффақият. Чунки таълимга эътибор берилса, жамиятимиз янада ривожланаверади.

Биргина мисол, бизнинг таълим муассасамизда кейинги ўн йилда 80 дан зиёд ўқувчиларимиз халқаро фан олимпиадалари қолиби бўлди. Бу юртимизда таълим соҳасига қаратилётган эътибор ва албатта, Конституциямиз шарофатидан деб биламан.

Илмира РОЗИКОВА,
Республика иқтисодлаштирилган аллергология ва клиник иммунология илмий-амалий тиббиёт маркази директори:

— Байрам жуда кўтаринки руҳда ўтди. Бугунги тадбирда Президентимиз табригини тинглаб, тиббиёт соҳасига қаратилётган эътибор бундан буён ҳам устуворлик касб этишини англадим.

Айни пайтда соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Мисол учун, бизнинг марказимиз хо-

димлари аллергик касалликларни бартараф этиш борасида барча имконияти яратилган шароитларда фаолият олиб боришаётди.

Эътиборлиси, марказимизга 140 ўринли янги биро қуриб берилди. Ташхислаш усул-наларимиз илгор технологиялар асосида жиҳозланган. Ходимларимиз эса хориҳга бориб малака ошириб келишяпти. Хусусан, бу йил Россияда 10 нафар ходимимиз малака ошириб қайтди. Умуман, буларнинг замирида давлатимизнинг эътибори ва Бош қўмисимизда аҳолининг тиббий хизматидан фойдаланиши мустаҳкам кафолатлангани турибди, десам, адашмайман.

Серикбой УСЕНОВ,
Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги «Исломобод» МФЙ раиси:

— Юртимизда байрам шукуҳи кезмоқда. Хусусан, бизнинг маҳаллада ҳам айём арасида қатор тадбирлар ташкил этилди. Уларда ижтимоий ҳимояга муҳтожларга алоҳида эътибор қаратяптимиз. Президентимиз табригинда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш учун 46,5 триллион сўм маблағ сарфланиши қайд этилди. Бу — жуда катта эътибор.

Албатта, жамиятимиз маҳаллалардан, оилалардан ташкил топган экан, биз ҳам давлатимиз раҳбарига қўмақдosh бўлиб, Конституциямизда белгиланган инсонпарварлик тамойилларига амал қилиб фаолият юритамиз. Зотан, маҳалланинг одамларнинг дардини, муаммоларини эшитиб, уларни ҳал қиладиган ноёб тузилма, деган номига муносиб меҳнат қилиш асосий вазифамиз.



ган устувор тамойилларни ҳаётимизга татбиқ этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти.

Давлатимиз раҳбарининг табригинда таъкидланганидек, юрдошларимизнинг фидокорона меҳнати билан о

Олий Мажлис Сенатида



ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси томонидан “Фуқаролик жамияти ҳафталиги” доирасида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда фуқаролик жамияти институтларининг ҳаёти-мизда тугган ўрни ва аҳамияти, давлат органларининг муҳим жиҳатлари юзасидан сўз юритилди.

Иштирокчилар ўз чиқишларида мамлакатни модернизация қилишнинг ҳозирги босқичида фуқаролик жамияти институтлари катта ўрин тутиши, сўнгги йилларда уларни янада ривож-лантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтди.

Адолатли ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш масаласи, давлат органларидан бири эканлиги айтилди. Бу борада кейинги йилларда қабул қилин-ган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳуж-жатлар мамлакатимизда фуқа-ролик жамияти институтлари-нинг эркин, барқарор ва тизим-ли ривожланиши учун мус-тақам замин яратганлиги қайд этилди.

Давра суҳбатида нодавлат нотижорат ташкилотлари вакил-лари муҳокама қилинган маса-лалар юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди.

БОШ ҚОМУС ҲАҚИДА
ҚИЗГИН СУҲБАТ

Парламент юқори палатасида “Сенатор ва ёшлар” шиори остида Тошкент шаҳар юридик техникуми ўқувчилари билан “Конституция: ёшлар нигоҳида” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ маса-лалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда янги тахрирдаги Конституция, унинг яратилиш тарихи ва мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, Асосий Қонунимиз шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатла-рини тартибга солиди. У замон-навий ўзбек давлатчилигининг фундаментал асосларини аниқлаб беради, тенглик, қону-нийлик ва инсон ҳуқуқларининг мутлақ устуворлигини таъмин-лайди.

Янги тахрирдаги Конституция инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик, тенглик ва тараққиёт даражасига кўта-риқли давлат қуриш йўлларини кенг очиб бергани билан аҳамиятли-дир.

Мулоқот чоғида Конституция-да давлат қурилишининг янги

стратегик мақсади — ижти-моий давлат қуриш, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя-лашнинг янги механизмларини татбиқ этиш белгилаб берил-ганига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда, шунингдек, таълим ва илм-фан соҳасидаги консти-туциявий ўзгаришлар, бепул умумий ўрта ва касб-хунар таъ-лими кафолатлари, академик эркинлик ва инклюзив таълим каби муҳим йўналишлар муҳо-кама қилинди.

Ўқувчилар билан суҳбат да-вомида уларнинг парламент юқори палатаси фаолияти бўйи-ча қизиқтирган саволларига жавоб берилиб, ўзаро фикр ал-машилди.

Урашувдан сўнг ўқувчилар Сенат биноси ва фаолияти бил-лан танишди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ
ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2024 йил 9 ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, Президенти-миз томонидан иқтисодиёт тармоқларини ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича устувор вазифалар, айниқса, камбағал-лики қисқартириш ва халқ фа-ровонлигини ошириш борасида-ги энг долзарб масалалар ўз вақтида белгилаб берилгани ва уларни ҳал этишнинг прагматик ечимлари кўрсатиб ўтилганлиги сабабли ҳисобот даврида мам-лакатимизда барқарор иқтисо-дий ўсиш суръатлари таъмин-ланган.

2024 йилнинг 9 ойида мам-лакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 6,6 фоизни таш-кил этди. Шундан саноат ишлаб чиқариш 7,0 фоизга, қурилиш ишлари 9,0 фоизга ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишти-риш 3,1 фоизга кўпайган.

Айниқса, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 343,1 трлн. сўмга етиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 31,0 фоиз ўсганлиги алоҳида эътиборга молик. Аҳолининг реал даромадлари 7,7 фоиз, ўртача иш ҳақи 16,4 фоиз ошган. Бу инфляция даражасидан (6,8 фоиз) юқори бўлиб, аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Айтилганидек, жорий тўққиз ойда Давлат бюджети даромад-лари 193,6 трлн. сўмни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даври-дагига нисбатан 18,9 фоизга ошган ва деярли барча солиқ турлари бўйича белгиланган режа кўрсаткичлари тўлиқ бажарилган.

Фаолият кўрсатаётган юри-дик шахслар ва якка тартибда-ги тадбиркорлик субъектлари сони тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлашга қаратилган тизим-

ли ислохотлар натижасида ўтган йилдагига нисбатан қарийб 37,2 мингга ошиб, 848,4 мингга етган. Фойда ва қўшилган қиймат солигини тўловчилар сони ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 24,2 фоиз ортган.

Давлат бюджети харажатла-ри ҳисобот даврида 219,3 трлн. сўмни ташкил этиб, 2023 йил-нинг мос давридагига нисбатан 9 фоиз ўсган.

Ҳисобот даврида аҳолини си-фатли ижтимоий хизматлар бил-ла таъминлаш борасида амал-га оширилаётган тизимли исло-



хотлар натижасида ижтимоий соҳа харажатлари учун Давлат бюджетидан 107,8 трлн. сўм (уму-мий харажатларнинг 49,2 фоизи) ёки ўтган йилнинг мос даври-дагига нисбатан 9,5 трлн. сўм кўп маблағ йўналтирилган.

Бунда умумтаълим ва соғлиқ-ни сақлаш соҳаларига ажрати-лаётган маблағларнинг йилдан-йилга ўсиб бориши ушбу соҳа-ларда меҳнатга ҳақ тўлаш миқ-дорининг оширилишига ҳам ўзи-нинг ижобий таъсирини кўрсат-моқда.

Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қаноатлантириш мақ-садида жорий йилнинг 9 ойи якунларига кўра республика бюджетидан ипотека кредитла-ри бўйича қарийб 1,0 трлн. сўм субсидиялар ажратилган.

Депутатлар эришилган ижо-бий натижалар билан бирга, Давлат бюджети ва давлат мақ-садли жамғармалари бюджетла-рининг маблағларидан мақсад-ли фойдаланиш борасида айрим камчиликларга йўл қўйилганига ҳам эътибор қаратди.

Хусусан, муҳокама давомида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси депутатлари ижтимоий ва ишлаб чиқариш ин-фратузилмасини ривожлантириш дастурига асосан жорий йилда ижтимоий объектларни қуриш ва таъмирлаш ишларига ажратилган маблағларни ўзлаштириш даража-

си пастлигига эътибор қаратди. Йил якунланишига оз мuddат қолаётган бир пайтда объектлар-даги ишларни тутатиш кечикаёт-ганлиги танқид остига олинди.

Шунингдек, ирригация ва ме-лиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ка-налларни бетонлаштириш учун бюджетдан ажратилган 1,4 трлн. сўм маблағлардан фойдаланиш-даги камчиликлар ҳам айтиб ўтилди.

Ўзбекистон “Миллий тикла-ниш” демократик партияси

Фракциялар позицияси

Мажлисида мазкур масала юзасидан сиёсий партиялар фракцияларининг позициялари билдирилди



ЎзЛидеП фракцияси солиқ органла-рининг хулосасларига асосан, қўшилган қиймат солигининг 500,0 млн. сўмгача бўлган қисmini тадбиркорлик субъектла-рига автоматик тарзда тўлаб бериш йўлга қўйилганлигини ижобий ҳолат сифатида баҳолашнинг маълум қилди. Бироқ келгу-сида мамлакатда янада жозибador инвес-тициявий муҳитни шакллантириш мақса-дида иқтисодиётга солиқ юкини камайти-риб бориш зарур.

Фракция Ҳукумат томонидан олиб бо-рилаётган бюджет-солиқ сиёсати мам-лакатда иқтисодий барқарорликни таъ-минлаш ва қулай тадбиркорлик муҳити яратилишига хизмат қилади, деб ҳисоб-лайди.

“Миллий тикла-ниш” ДП фракцияси ўз гоя ва мақсадлари-дан келиб чиққан ҳолда, таълим-тарбия, туризм, маданият ва санъат, умуман, инсон капиталини ривож-лантиришга қаратилган барча саъй-ҳаракат-ларни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Шу билан бирга, бюджетдан мазкур мақ-садлар учун ажратилаётган маблағларнинг

мақсадли ва самарали сарфланишини на-зорат қилиш кераклигини таъкидлашди.

“Адолат” СДП фракцияси узок йиллар давомида молиялаштириш манбалари но-аниқ бўлиб келган тармоқларга, яъни бола-



ларни вакцинация қилишга 233,6 млрд. сўм, онкология хизматини янада ривожланти-ришга 94,4 млрд. сўм бюджет маблағлари йўналтирилганлиги партиянинг дастурий мақсадларига мос эканлигини қайд этди.

Фракция соғлиқни сақлаш соҳасига, давлат дастурлари ижросига ажратилаёт-ган маблағларнинг тўлиқ ва мақсадли ба-жарилишига эришиш муҳим, деб ҳисоб-лашини билдирди.

ЎзХДП фракцияси Давлат бюджетининг жорий тўққиз ойдаги ижроси якунлари бўйича ҳисобот фракция йиғилишида таълиф қилиб, Давлат бюджетни даро-мадлари ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 19 фоизга ёки 30 трлн. сўмга орт-ганини муҳим натижа сифатида қайд этди.

Фракция Ҳукумат айрим масалаларга алоҳида эътибор қаратиши, жумладан, но-расмий сектордаги даромадларни легал-

лаштириш имкониятларини кенгайтириш лозимлигини таъкидлади. Бу ҳақда қўри-лаётган чоралар, эришилаётган реал на-тижалар юзасидан келгусида батафсил ах-борот бериб боришни тавсия этди. Шу-нингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган маблағларни ўз вақтида ўзлаштириш ва натижадорлигини таъмин-лашда вазирликларнинг масъулиятини ошириш лозим, деб ҳисоблашини маълум қилди.

Экологик партия фракцияси яшил боғлар ва яшил жамоат паркларини таш-кил қилиш бора-сида амалга оши-рилаётган ишлар-ни эътироф этган ҳолда мазкур тадбирларни ўз вақтида ва сама-рли уюштириш зарурлигини таъ-кидлади.

Шунингдек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги хара-жатларни, хусусан, ерларнинг меліора-тив ҳолатини яхшилаш, чиқиндиларни йи-ғиш, зарарсизлантириш ва утилизация қилиш, ерларни сув ва шомол эрозияси-дан сақлаш каби экологик тадбирларни молиялаштириш, ажратилган маблағлар-ни ўз вақтида ва тўлиқ ўзлаштириш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш зарур, деб ҳисоблашини қайд этди.



фракцияси аъзолари мамлака-тида ёшларни қўллаб-қувват-лаш, уларнинг сифатли таълим олиш, касб-хунарга ўқитиш, ас-боб-ускуналар харид қилиш ва бошқа мақсадлар учун субсидия-лар ажратилаётганини ижобий баҳолашди. Бироқ ҳисоботда “ёшлар дафтери”га киритилган йигит-қизларга уларнинг ама-лиётни ўташи даврида базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари даражасида ҳар ойлик субсидиялар ажратиш кўзда тутилгани, аммо вазирлик ушбу маблағлардан фойдаланмаган-лиги танқид қилинди.

Бундан ташқари, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъ-минлаш энг долзарб вазифалар-дан бири эканлигига қарамай ушбу мақсадда амалга ошири-лаётган лойиҳаларга Давлат бюджетидан 1,3 трлн. сўм ҳамда халқаро молия институтларидан 300 млн. АКШ доллар миқдо-рида маблағ ажратилганлиги, аммо мазкур маблағларнинг ярми ҳам ўзлаштирилмаганлиги-га эътироз билдирилди.

Мажлисида “Адолат” социал-де-мократик партияси фракцияси аъзолари жорий йилда Соғлиқни сақлаш вазирлигида режа 89,5 фоизга, жумладан, оналар ва болалар соғлигини муҳофа-за қилиш, аҳолининг репродуктив-саломадлигини янада мустахам-лаш учун харажатлар 68,3 фоиз-га, буйрак ва жигар трансплан-тацияси бўйича жарроҳлик ама-лиёти ўтказилган беморларни

дори воситалари билан таъмин-лаш учун харажатлар 62,9 фоиз-га, ногиронлиги бўлган шахс-ларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича чора-тад-бирларни молиялаштириш учун харажатлар 49,3 фоизга бажари-лганини танқидий баҳоладилар.

Шунингдек, ташаббусли бю-джетлаштириш тадбирлари дои-расида 1,5 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб то-пилмаган жиҳозлаш билан боғ-лиқ лойиҳаларни молиялашти-риш учун ажратилган 60 млрд. сўм маблағ умуман ўзлаштирил-маганлиги бўйича вазирликка эътироз билдирилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари юртимизда камбағаллики қисқартириш борасида кенг қам-ровли ишлар олиб борилаётган-ни, бу борада бажариладиган барча чора-тадбирларни амалга ошириш механизмлари, манба-лари ва ечимлари давлат раҳба-ри томонидан аниқ белгилаб бе-рилганини эътироф этди. Лекин мазкур мақсадларни бажариш учун Давлат бюджетидан йўнали-тирилган маблағлар ва уларнинг натижадорлигига оид маълумот-лар ҳисоботида алоҳида келти-рилмаганлигини таъкидлашди.

Шу билан бирга, қил масву-мида аҳолини электр энергияси билан таъминлаш масалалари депутатлар эътиборида бўлиб, айрим ижтимоий объектларга электр тармоқларини тортиш ишлари кечиктирилаётгани танқид қилинди.

Ўзбекистон Экологик партия-си фракцияси депутатлари пах-та хошанисини етиштирувчилар томонидан томчилатиб сугориш тизимини жорий этиш бўйича ха-ражатларнинг бир қисми Давлат бюджетидан қоплаб берилаёт-ганлигини ижобий баҳоладилар. Айрим ҳолларда харид қилинаёт-ган сугориш тизими анжомлари-нинг сифатсизлиги ҳамда пуд-ратчилар томонидан бажарилган ишлар талабга жавоб бермаёт-ганлиги юзасидан эътирозлари-ни баён этишди.

Депутатлар жорий йил якуни-га қадар Давлат бюджетининг қонунда белгиланган параметр-ларга тўлиқ риоя қилган ҳолда ижро этилишини таъминлаш, бюджет маблағларидан тежам-корлик билан фойдаланиш, ха-ражатларнинг натижадорлигига эришиш борасида Давлат бюд-жети ва давлат мақсадли жам-ғармалари бюджетларининг иж-роси устидан парламент назо-ратини кучайтириш зарурлиги-ни таъкидладилар.

Муҳокамада депутатлар томо-нидан билдирилган эътирозлар, тақлиф ва тавсиялар тегишли вазирлик ҳамда идоралар томо-нидан қабул қилиниб, берилган барча саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Савол-жавоблардан кейин Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюд-жетларининг 2024 йил 9 ойдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚУМИТАЛАРИДА

ЕР РЕСУРСЛАРИ — ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалаларни кўмитаси томонидан “Ер ресурслари — Конституция муҳофазасида” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Президентимиз та-шаббуси билан ерга бўлган му-носабат тубдан ўзгарди ва дав-лат сиёсати даражасига кўта-рилди. Қишлоқ хўжалиги мақ-сулотлари етиштирувчиларга давлат томонидан кўмаклашиш тизими яратилиб, қўшимча ер майдонлари фойдаланишга ки-ритилди. Энг муҳими, аҳолига ер участкаларини ажратишда барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асослан-ган тартиб жорий этилди.

Шунингдек, мамлакатимизда ер участкаларидан оқилона ва

мақсадли фойдаланишни таъ-минлаш, уларни муҳофаза қилиш, янги ерларни ўзлашти-риш ҳамда қайта муомаллага ки-ритиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, ер эгаларининг мулквий ҳуқуқлари кафолатланди.

Давлатимиз раҳбари томо-нидан 2024 йил 9 октябрь куни имзоланган “Қишлоқ хўжалиги-га мўлжалланган ер участкала-рини ижарага бериш тартиби-нинг такомиллаштирилиши му-носабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва

қўшимчалар киритиш тўғриси-да”ги Қонун билан мамлакатда ерга оид муносабатларда тенг-лик ва шаффофлиқни таъмин-лашга қаратилган ислохотлар-нинг ҳуқуқий асоси яратилди.

Тадбирда депутатлар кейин-ги йилларда соҳага доир амал-га оширилаётган энг ислох-отларга алоҳида тўхталиб, мамлакатимизда ердан фойда-ланиш борасида бозор меха-низмларини жорий этиш, ушбу йўналишдаги мулквий ва ҳуқуқий муносабатларнинг барқарорли-гини таъминлаш, ер эгалари-нинг мулквий ҳуқуқларини кафо-латлаш Бош қомусимиз орқали кафолатланганини таъкидлади-лар. Конституцияда ўз аксини топган нормаларнинг амалиёт-га жорий этилиши келажақда мулкдорларга, хусусан, фуқаро-

лар ва тадбиркорлик субъект-ларига уларнинг ерга бўлган мулк ҳуқуқини конституциявий даражада мустаҳкамлашга им-кон яратиши, бу эса мулкдор-ларнинг ҳуқуқларини ишончи-ли ҳимоялаш ва кафолатлашга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Давра суҳбатида Асосий Қонунимизда ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум қилиниши мумкин эмаслиги акс этгани, бу, ўз навбатида, бир неча йиллардан буён жамияти-миздаги ўткир муаммолардан бирига айланган “снос” деган муаммага бутунлай барҳам бер-ганлиги эътироф қилинди.

Яқунда иштирокчилар томо-нидан билдирилган фикр-мулоҳа-залар, тақлифлар асосида тегиш-ли тавсиялар ишлаб чиқилди.

ФАРОВОНЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан “Конституция — ижтимоий давлат кафолати” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Бош қомусимизда инсон қадрини улуғлаш, фуқа-ролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир янги қоида-лар киритилгани, жумладан, дав-латнинг ижтимоий мажбуриятла-рига оид нормалар қарийб уч баравар, аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар эса 4 қарра кўпайтирилгани қайд этилди. Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни назарда ту-туви, меҳнат муносабатларини ташкил қилишга қаратилган ҳуқуқларимиз янада такомил-лаштирилгани таъкидланди.

Депутатлар Конституцияда ҳар-ким соғлигини сақлаш ва мала-қали тиббий хизматдан фойда-ланиш ҳуқуқига эгалиги, фуқаро-лар тиббий ёрдамнинг кафолат-ланган ҳажминини қонунда белги-ланган тартибда давлат ҳисоби-дан олишга ҳақиқилии белгилаб қўйилгани, бу эса, ижтимоий дав-латнинг инсон ҳуқуқларини таъ-минлашда ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилишини қайд этдилар.

Шунингдек, кейинги йиллар-да соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар доирасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг си-фати, самарадорлиги ва омма-

боплигини ошириш, соҳага босқичма-босқич тиббий суғурта тизимини жорий этиш бўйича муайян ишлар амалга ошири-лаётгани, хусусан, соғлиқни сақлаш тизимини янги босқич-га олиб чиқишга қаратилган 300 дан ортиқ қонунчилик ҳуж-жатлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилаётгани таъкидланди.

Кўмита аъзоларининг айти-шича, янги тахрирдаги Консти-туцияда жамиятнинг барча қат-лами манфаатлари инобатга олиниб, бугунги кунда у ҳуқуқла-римиз кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбирда иштирокчилар то-монидан фаровон ҳаётиимиз асоси бўлган Конституциями-зининг мазмун-моҳияти ва аҳа-миятига алоҳида тўхталиб ўтилди.

«Халқ сўзи».



Шу кунларда барчамиз ҳуқуқ, эркинлик ва қадриятларимизни қўллаб-қувватловчи, демократиямизга асос бўлган ҳамда халқимиз сиёсий тафаккурининг юксак намунаси бўлган ҳужжат — Конституция қабул қилинганини кенг ва кўтаринки руҳда нишонламоқдамиз.

Дарҳақиқат, Бош қомусимиз ҳар томонлама чуқур ўйланиб, миллий давлатчилигимиз тажрибаси, жаҳоннинг энг илғор ютуқларини уйғунлаштириб, ҳозирги ва келажақ авлодлар манфаатларини ҳисобга олиб қабул қилинди.

МИЛЛАТНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ҲУЖЖАТ

учун дахлдорлик, ўзаро бирлик ва улуғвор мақсад сари сафарбарлик ҳисси юзага келади.

Чунки Конституция бугунги авлодлар учунгина яратилмади, балки чекланмаган, ҳали биз учун номаълум бўлган келажақ авлодлар манфаатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда тузилади. Шу ўринда қайд этиш жоизки, Конституция қабул қилинган 1992 йилда аҳолимиз сони 20 миллион 700 мингдан ошган бўлса, ҳозир 38 миллионга яқинлашмоқда.

Конституция муқаддимасидаги ҳуқуқ илмининг моҳиятини ташкил этган, инсоният асрлар оша интилиб келган “**демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик** гояларига садоқат” ниятимиз эзгулигини кўрсатиб бермоқда. Бундан ташқари, “**давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таъниб**”, деган сўзлар Конституциямизни шакллантиришда қандай бебаҳо, бой меросга асосланганимизни намоён этмоқда.

Муқаддимада ҳозирги дунёда жамики энг яхши қадриятлар ва мақсадлар бўлса, барчаси мурасас.

Муқаддимани, айниқса, унинг якуний қисмини ўқиб, киши кўзига беихтиёр ёш келади. Ўйлайманки, Ватан тақдирига дахлдор ҳеч бир инсон бу сатрларни шунчаки ўқий олмайд — “**жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлашни мақсад қилган ҳолда**”. Фикримизча, Конституция байрамлари арафасида бир қатор давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мактабларда, олий ўқув юртиларида, давлат хизматига киришда мунтазам равишда Конституция муқаддимасини оммавий ўқишни йўлга қўйиш керак.

Давлатимиз раҳбари **халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак**, деб таъкидлайди. Уинстон Черчилль ҳам “**ҳукуматлар фуқароларнинг хизматкори ва шундай бўлиб қолиши керак, давлат фақат ва фақат одамларнинг ҳаёт, эркинлик ва бахтга интилишини таъминлаш учунгина ташкил қилинган**”, деб айтган эди. Ушбу гоялар янги таҳрирдаги Конституциямизнинг муқаддимасидан тортиб, ҳар бир бўлим, бобларининг мазмун-моҳиятига сингдирилди.

Хусусан, Конституциянинг 54-моддасида “**Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади**дир” деб аниқ ва тиниқ ёзиб қўйилди.

Асосий Қонунимизнинг 14, 20-моддаларида давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга ошириши, **инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари** қонуларнинг, давлат орган-

лари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг **мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилаши**, инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги **барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши** белгилаб қўйилди.

Илгарилари баъзи мансабдор шахслар томонидан ўз ҳодимларига, фуқароларга нисбатан ҳақорат қилиб, сўқиниб гапириш ҳолатлари кўп учрарди. Асосий Қонунимизнинг 26-моддасида бундай ҳолатларга келгусида йўл қўймаслик учун “**Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарсаси уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас**” , деган қоида мустаҳкамланди.

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолиятида баъзи ҳолларда айрим нопок шахслар томонидан айбосиз шахсларни мажбурлаб, қилмаган ишнини бўйича қўйиш ҳолатлари учраган. Бундай ҳолатларга келгусида тоқат қилиб бўлимаслигидан келиб чиқиб, Конституциянинг 28, 29-моддаларида **агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги, қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги** белгилаб қўйилди.

Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонуларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги алоҳида конституциявий қоида сифатида мустаҳкамлаб қўйилди. Мазкур қоида аксарият инсонлар учун муҳим бўлиб, давлат органлари ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатига алоҳида ёндашиши, улар томонидан содир қилинган ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллиги, етказилган зарарнинг қўлами ва характерида келиб чиқиб, мутаносиб чора қўриши ва бунда мақсад жазолаш эмас, балки қонунида назарда тутилган мақсадга эришиш бўлиши кераклиги таъкидланмоқда.

Президентимиз мутаносиблик принципи бўйича қўйиладиган таъкидлаган эди: “*Мана, бир мисол: фуқаронинг ипотека кредитидан 3 миллион сўмлик уч ойлик қарзи бор. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, банк*

қарздорни судга беради. Лекин бу масалада даъво аризаси 3 миллион сўм, яъни реал қарз бўйича эмас, балки кредитнинг тўланмаган қисмига, дейлик, 250 миллион сўмга нисбатан берилади. Суд аризани қўриб чиқиб, қарздордан 10 миллион сўмдан ортиқ давлат божини ундириш ва шартномани бекор қилиш бўйича қарор қабул қилади. Узингиз ўйланг, 3 миллион сўмни тўлай олмаган фуқаро 10 миллион давлат божини қандай тўлайди? Бундай мантиқсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун янги бир нормани Конституцияга киритиш тақлифини билдираман”. Яъни айнан ушбу мутаносибликка оид қоида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан киритилди.

Қайд этиш жоизки, мутафаккирлар айтганидек, агар мустақил суд тизими бўлмаса ва ушбу конституциявий ҳуқуқлар судлар томонидан ҳимояланмаса, Конституцияда қафолатланган ҳуқуқлар қуруқ гап бўлиб қолади.

Бунинг учун, албатта, судлар мустақиллиги қафолатларини янада қучайтириш талаб этилади.

Шунингдек, адолат ва қонуннинг устуңлиги нафақат Конституция, судлар, ҳуқуқшунослар, адвокатлар саъй-ҳаракатлари билан таъминланади, балки шу жамиятнинг тўлақонли аъзолари, Конституция ҳимояси билан таъминланган эркаклар ва аёлларнинг қатъияти, қонунийлики ҳимоя қилишларига ҳам боғлиқ масаладир. Зеро, Бенжамин Франклин айтганидек, Конституция одамларга бахтга интилиш ҳуқуқини беради, бахтга эришиш эса ўзингизга қолган масаладир.

Агар жамиятда одамлар кимдир келиб Конституция ва қонун устуворлигини ўрнатиб беришини қутиб ўтирадиган бўлса, бундай жамиятда қонунийлик ўз-ўзидан вужудга келиши амримаҳол. Миллатнинг буюклиги Конституцияга содиқлигида, қонун устуворлигига риоя қилишида намоён бўлади.

Бунда ҳуқуқ илми олимларининг ҳам ўзига хос масъулиятлари мавжуд. Зеро, ҳали-ҳануз янги таҳрирдаги Конституциямиз билан кириб келган “Ижтимоий давлат”, “ҳуқуқий давлат”, “дунёвий давлат”, “мутаносиблик принципи”, “Ижтимоий бирдамлик”, “суқут саклаш ҳуқуқи” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти илмий тадқиқ қилинмади. Шунингдек, ижтимоий, дунёвий давлат шароитида жиноят ва маъмурий ҳуқуқ фанлари олдида турган вазифалар очиб берилмади.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
юридик фанлар доктори, профессор.



«Airbus» танглик қаршисида

“Airbus” Европа аэрокосмик корпорацияси мудофаа-космик бўлинмасидаги 2 мингдан зиёд иш ўринларини қисқартиради. Қисқаришларнинг асосий қисми Германия, Франция, Буюк Британия ва Испания ҳисобига тўғри келади.

Октябрь ойида “Airbus” космик сегментда давом этаётган қийин бизнес муҳитини сақлаб қолган ҳолда бўлинманинг ташкилий тузилмасида ўзгаришларни режалаштираётгани ҳақида огоҳлантирганди. 5 декабрь куни компания бўлинманинг 5 фоизга яқин штати, яъни 2043 та иш ўрни қисқаришини маълум қилди.

Қайд этилишича, ишдан бўшатиладиганларнинг яралири режалаштираётгани ҳақида огоҳлантирганди. 5 декабрь куни компания бўлинманинг 5 фоизга яқин штати, яъни 2043 та иш ўрни қисқаришини маълум қилди.

Ўқувчиларга жарима жорий қилинди

“Spiegel” нашрида ёзишларича, Германиянинг Нюрнберг шаҳридаги Дюрер гимназияси кечиккан ўқувчиларга жарима жорий этди.

Агар ўқувчи доимий равишда кечикиб келса ва бунга арзирли сабаб бўлмаса, унга 5 евро жарима солинади. Гап шундаки, мазкур қоидалар 2024 йил май ойида жорий этилган бўлиб, ўзининг ижобий самарасини кўрсата бошлади. Жарима фақат 9 — 11-синф ўқувчилари учун қўлланилади.

“Forbes” нашрида ёзишларича, мамлакатда узрсиз сабаблар билан мактабга бормаслик учун янада қаттиқроқ жазо қўлланмоқда.

Дунёдаги энг йирик радиотелескоп қурилмоқда

Хитой Фанлар академиясининг маълум қилишича, мамлакат шимоли-шарқидagi Цзилин ўлкасида дунёдаги энг йирик тўлиқ бошқариладиган радиотелескоп қурилиши бошланди.

Унинг диаметри 120 метр бўлиб, олимларга сайёралар ва астероидларни ўрганишда ёрдам беради. Қурилмани созлаш ва синовдан ўтказиш ишлари 2028 йилгача тугалланади.

Эслатиб ўтамиз, радиотелескоп қурилиши 2024 йилнинг май ойида бошланган эди.

Конгода номаълум касаллик

Конго Демократик Республикасининг жануби-ғарбий вилоятида 143 киши номаълум касаллик оқибатида вафот этди.

Бу ҳақда “Reuters” мухбири хабар берди.

Кванго вилояти губернаторининг ўринбосари Реми Саки ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбари Аполлинер Юмбангинг маълум қилишича, касалликка чалинганларда грипп белгилари, жумладан, тана ҳароратининг кўтарилиши ва кучли бош оғриги кузатишмоқда. Касаллик турини аниқлаш учун ҳудудга шифокорлар бригадаси юборилган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, БМТ вазиятдан хавотирда ва мамлакат ҳукумати билан бирга касалликни ўрганиш устида иш олиб бормоқда.

Қайд этилишича, касалликдан, асосан, аёллар ва болалар жабр кўрмақда.

Ар-Риёдда машинистсиз метрополитен

Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёдда шу йил 1 декабрдан метрополитен ишга тушди. Айни вақтда метронинг учта тармоғи очилган, янаарда яна биттаси, кейинроқ эса иккитаси ишга туширилади.

Яқунда жами метро йўлининг узунлиги 176 километрга етади. Тизим ҳар куни 3,6 миллион йўловчини хизмат қўрсатишга мўлжалланган.

Таъкидлаш керакки, бу машинистсиз бошқариладиган дунёдаги энг узун метро хисобланади. “Поездларнинг машинисти йўқ, уларнинг ҳаракати тезликни, раволик ва хавфсизликни назорат қилувчи замонавий тизим билан ҳимояланган, эшиклар ав-

томатик очиб-ёпилади. Метрополитен бекатлари ва вагонлари овоз қучайтиргич ҳамда маълумотлар экранни каби илғор тизим билан жиҳозланган”, дейилади хабарда.

Метрополитенда Будапешт, Сидней ва Тайбэйда синовдан ўтган 69 та “Alstom Metropolis” ва 47 та “Innovia Metro” поездлари ҳаракатланади.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин Тўлаёвнинг таърифи.

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ОҚИЛОНА ЁНДАШУВНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Давлатимиз раҳбарининг камбағалликни қисқартириш борасидаги ташаббуслари ҳақида гап кетганда, **собиқ иттифоқ замонида адабиётда тилга олинган “конфликтсизлик назария” ёдга тушади. Ўша пайтлари “бизнинг озод жамиятда умуман қарама-қаршилиқ, салбий ҳолатлар бўлиши мумкин эмас, шу маънода, адабий асарларда конфликт бўлмаслиги керак”, деган талаб ҳукм сурганди.**

Мушоҳада

Камбағаллик мавзуи ҳам узоқ йиллар шундай ҳолатда бўлди — рўзгорини аранг тебратётган, ҳам-ёни ночор одамлар бор эди-ю, буни тан олиш уят саналарди. Ўзбекистон Президенти фаолиятининг илк даврлариданоқ шу пайтгача мавжуд бўлса-да, тан олинмай келинган бу муаммони рўйроост айтиш, унга қарши курашиш кераклигини баралла эълон қилди. 2020 йилдан бошлаб камбағаллик билан курашиш мамлакат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирилди. Бу борада тадбиркорлик, ижтимоий ҳимоя, касбий таълим ва эҳтиёжманд аҳоли билан янгиича ишлаш йўлга қўйилди...

Ўйлаб қўрайми: одам нега камбағал бўлади? Сабаб изласангиз, жуда кўп изоҳлар айтилади. Кимдир янги даромад олиш учун билими ва маълумоти етмаслигини айтса, яна бошқа бировга ҳафсала

билан меҳнат қилиш учун ношудлик йўл бермайди.

Бир йили Тошкент вилоятининг пойтахтга яқин маҳалласидаги хонадонда бўлди. Биз борган хонадон табиатнинг нақ бағрида жойлашган экан. Лекин уй соҳибларининг дангасалиги (бундан бошқа таъриф тополмадик!) оқибатида нураб бораётган иморат атрофи шу қадар тўзиб ётибдики, бир қўрган-даёқ кайфият тушар даражада. Ваҳоланки, бу жойни кўркам масканга айлантириш учун ҳеч қанча маблағ шарт эмас. Озгина ҳафсала билан меҳнат қилинса, олам гулистон!..

Бундай мисоллар юртимизда жуда кўп учрайди. Сабабини сўрасангиз, “камбағалчилик, қўлимиз калта”, дейишади. Тўғри, жамиятда ҳар хил табиатий одамлар бор. Баъзан уларга йўл-йўриқ кўрсатиш керак бўлади. Ахир меҳнатингиз учун ўзингизга ўзингиз пул тўламайсиз-ку?!

Ҳўш, даромадни кўпайтириш, рўзгорга барака киритиш учун қан-

дай йўл тутиш керак? Сўхбатдошимиз — “Нуроний” жамғармаси Наманган вилояти бўлими раҳбари, сенатор Икромхон Нахмидинов бу ҳақда шундай дейди:

— Вилоятда йил охиригача 9 244 та оилани камбағалликдан чиқарамиз, деб марра қилганмиз. Бу — қарийб 40 минг аҳоли, дегани. Ўшанда камбағал оилалар улуши 10,4 фоиздан 7,8 фоизга тушади. Бунинг учун 1 228 масъул ходим зиммасига 6 140 та оила бериқтирилган. Бугунгача фуқароларнинг яшаш шароитлари ўрганилди, оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш имкониятлари қўриб чиқилди.

Масалан, ўзим Янгиқўрган туманидаги 5 та оилани назоратимга олдим, оила аъзоларининг соғлиги, ижтимоий ҳолати, даромад манбаи ва бандлик даражаси, томонқадан фойдаланиш, чорва молларини асраш имкониятлари билан қизиқдик. Бир оила томонқаси экин экилмагандан қараб ётибди. Сабабини сўрасак, экинларни сугориш учун сув йўқ экан. “Маҳалла еттилиги” эътиборини бу муаммага қаратдик. Қўпчилик билан сув келтириладиган бўлди. Бир хонадонга ҳоким ёрдамчиси иштирокида кредит расмийлаштирилди. Яна бир оиланинг 0,5 гектар майдонда боғи бор экан. Унга агар йиллик тўловни амалга ошириб борса, иш стажы ёзилиши, бу эса пенсия олиш учун асос бўли-

ши тушунтирилди. Умуман, бу ишда одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш жуда муҳим.

Сўнги йилларда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида қонунчилик ижроси устидан қатъий прокурор назоратини ташкил этиш соҳасида самарали ишлар қилинмоқда. Прокуратура органлари томонидан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг киритилиши устидан изчил назорат ўрнатилган.

Хусусан, ижтимоий аҳоли оғир бўлишига қарамадан реестрга киритилмай қолган 74088 та оиланинг давлат ижтимоий ҳимоясига олиниши таъминланган. Ўрганишлар давомида “темир дафтар”га 522 нафар фуқаро нотўғри киритилгани, 105 фуқаро асоссиз чиқарилгани ҳамда 153 млн. сўмлик маблағ талон-тороқ қилингани аниқланган. Шунингдек, 2321 млн. сўмлик субсидия маблағлари ўз эгаларига ет-

Яна бир ҳолат — айрим жойларда масала моҳияти ўрганилмасдан кредитлар расмийлаштирилмоқда. Оқибатда аввалдан иқтисодий ночор хонадонлар кредитни ва унинг фоизини тўлолмасдан баттар камбағаллашмоқда. Шундай экан, камбағалликни қисқартириш масаласида ҳар томонлама пухта ўйлаб иш қўриш талаб этилади. Зеро, инсон манфаатлари оқилона муҳофаза қилинган жойдагина қўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Шўхрат ЖАББОРОВ
(“Халқ сўзи”).

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 908 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли қилинган нархда.

Гезетанинг ҳақиқатий маълумотларини юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопийбаст 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган қўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Гезетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.
Гезета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.
Гезетанинг полиграфия ҳиждатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.05 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.